



# Ishonch

**МОХИЯТ**  
Энг муҳими, халқимизнинг меҳнатсеварлиги ва фидойилиги, унинг ҳаётта, ўз меҳнатига муносабати тобора ўзгариб, онг тафаккури ўсиб бораётгани биз қўлга киритаётган марраларнинг ҳал қилувчи омили ва сабаби, десаам, ўйлайманки, барчамизнинг фикримизни ифода этган бўламан.  
Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan



қаларни кучайтиришди. Қарсик қўлдан чиқади, дейишади. Савимили нашримизни мазмунан бойишига ҳар бир муштарий ҳисса қўша олади. «Ishonch»да қандай мавзудаги мақолалар ўқишни исташ ва бу истакни амалга ошириш бевосита бугунги фаоллигимизга ҳам боғлиқ. 2400 га яқин обуначи бизнинг тармоғимиздан эканлиги мақсадлар муштараклигини кўрсатади. Ўз газетамиз мундарижасини бойитишга, ўқишлилигини оширишга ҳисса қўшайлик.

**Абдухалиқ Абдуразақов, бош муҳаррир:**  
— Янги йилнинг хайрли тадбир билан бошланаётгани, албатта, бизга ўзгача илҳом бағишлайди. Чунки асосий муштарийларимиз бўлиши бошланғич касабакўмлар, айниқса, жамоатчилик асосида ишлайдиган касабакўмлар ҳузурига кириб бориш, уларнинг ўй-режалари билан ўртоқлашиш 2010 йилги иш режамизнинг асосий қисмини ташкил этади.

Бугун оммавий ахборот воситалари ўртасида рақобат кучли. Бу эса газетада берилаётган мақолалар савиясини ҳар жиҳатдан кучайтиришни талаб этади. Шунинг учун соҳа мутахассислари, муштарийлар билан фикр алмашиш, уларнинг тақлиф ва танқидий мулоҳазаларини инобатга олиш газетани ўқувчига яқинлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона вилоятларида ўтказилган турли давра суҳбатлари, «Ishonch» кунлари буни тасдиқлади.

Шунингдек, тадбирда таҳририятнинг бир қатор ижодкорлари ўз фикрларини билдириб ўтишди.

## Янги йил Янгиликлари

— 2010 йилнинг Баркамол авлод йилли деб эълон қилинганлиги касба уюшмалари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. — дейди Хоразм вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Раҳимберган Матрасулов. — Янги йилда ёш авлод тарбиясига улуғимизни қўлиши учун қатор тадбирларни режалаштираётимиз.

## Болаларнинг қувончи чексиз

Бирлашма томонидан соҳа ходимларининг фарзандлари учун ташкил қилинган «Янги йил баъзи» ана шу тадбирларга дебеча бўлди дейиш мумкин. Унда болалар ўз иқтидорини намойиш қилган ҳолда шешлар ўқишди, топшиқлар топшиди, турли ўйинлар уюштиришди. Урганч маданият ва санъат коллежи талабалари саҳналаштирган «Янги йил эртаги» томошаси болаларга манзур бўлди.

Муҳаббат ТўРАБОВА  
«Ishonch» муҳбири

Наманган туманининг Бешкапа қишлоғи аҳолиси янги йил арафасида қувончлардан ажойиб соғға олди. Олаҳамак, Овул, Урганчи маҳаллалари аҳолиси, коллеж, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари жамоасига хизмат кўрсатувчи врачлик пункти биноси фойдаланишга топширилди.

## Янги йилга янги шифохона

Болаларни даволаш, физиотерапия, тиш даволаш, аёллар тиббий маслаҳатхонаси, дорихона, лаборатория, эмлаш бўлиmlари, беш ўринли кундузги стациянага эга бўлган шифо маскани керакли тиббий усуналар билан жиҳозланган.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,  
«Ishonch» муҳбири

Яқинда Навоий вилоятида «Йил аёли — 2009» кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди.

## Йил аёли

Шаҳардаги «Висол» тўйхонасида бўлиб ўтган тадбирда барча шаҳар ва туманлардан вакиллар иштирок этиб, истеъдодини намойиш этишди. Бир неча қисмдан иборат шартларга кўра «АгроБанк»нинг Кармана тумани филиали бошқарувчиси Моҳира Шарипова танлов ғолиби бўлди. Энди у маҳоратини мазкур танловнинг республика босқичида синаб намойиш этади.

Зебо ҚУТЛИЕВА

Навоий шаҳрининг диққатга сазовор манзилларида, хусусан, «Фарҳод», «Ширин», «Наврўз» маданият саройларида, вилоят ҳокимлиги биноси ёнидаги ва бошқа майдонларда Янги йил тантаналари давом этапти.

## Шуқуҳли дамлар

Театрлаштирилган томошалар барчага манзур бўлапти. Айниқса, болажонлар қувончининг чеки йўқ. Улар Қорбобо, Қорқиз ва бошқа ўнлаб эртак қаҳрамонлари билан учрашиб, мароқли хордиқ чиқаришмоқда. Тадбирларни ўтказиш жараёнида пиротехника воситаларидан фойдаланишга йўл қўйилмапти.

Мансур ЗОИРОВ

Марғилон иқтисодиёт коллежи ахборот-ресурс марказида ёш ўқитувчилар учун «Замонавий дарсларни ташкил этиш ва ўтказиш» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

## Семинар

Унда Фарғона давлат университети профессори Набижон Темиров ёшларга таълим-тарбия беришда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳақида сўзлаб берди.

Семинарда ёш ўқитувчилар янги педагогик технология ёрдамида ташкил этилган бир қатор дарсларни кузатиб, информатика фани ўқитувчиси М.Ҳакимовнинг шахсий сайти билан яқиндан танишдилар.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

## ЮЗМА-ЮЗ

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмалари Марказий кенгаши томонидан «Ўзбекистон» меҳмонхонасида ўтказилаётган республика ўқув-семинари доирасида кеча тармоқ вакилларининг «Ishonch» ва

«Ishonch-Доверие» газеталари ижодий жамоаси билан очик мулоқотли учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирни очар экан, Марказий кенгаш раиси Ж.Алимов ҳоджаева қуйидагиларни таъкидлади:

— Бир ҳафталик ўқув давомида кенг қамровли билим беришни ният қилганмиз. Таҳририят билан бугунги мулоқотда эркин фикр билдириб, фаоллик курсатишингиз сўралади. Тадбирдан мақсад таҳририят билан ҳамкорликни муостаҳкамлаш, ўзаро ало-

лифни билдирмоқчи эдим. Бу борада таҳририятнинг имконияти қай даражада?

**Саволга бош муҳаррир А.Абдуразақов жавоб беради:**

— Саволигиз ўринли. Лекин бу борада муҳбирнинг фаоллигига таяниб қолмасдан, таҳририят билан касба уюшма фаолларининг тўғридан-тўғри боғланишини йўлга қўйсак, сиз таъкидлаётган мақсадларга эриша оламиз. Бир сўз билан айтганда, ҳамкорлигимизни кучайтириш зарур. Шу мулоқотга киришда бир истихололи жихат бор. Мақолани ёза оламани, йўқми, деган ҳадик мақсадни тўсиб туради. Мақола матнини тайёрлаб хўнатиш шарт эмас. Бу масалада қийналсангиз, телефон орқали боғланиш, оғзаки етказингиз. Фикрингизни ёзиб олиб, мақола тайёрлашга таҳририят ёрдам беради.

**Эгамберди Қодиров:**

— Яна бир гап — таҳририят ходимлари томонидан ҳам газета фаолиятига танқидий қаралгани яхши, лекин шундан олтиш кераки, газетанин ҳозирги даражасини уч-тўрт йил аввалги чиқиши билан тенглаштириб бўлмайди. Унинг мақеки, даражаси ўсганлигини, оммаболлигини, тизим ходимларига ҳам фойдали жихатларини эътироф этиш жоиз.

**Азизбек Абдурахмонов, тармоқнинг Андижон вилояти вакили:**

— Газетадаги мунозарали публицистик мақолалар, жохон ва ўзбек

адабиётининг мумтоз намуналари, сўнги саҳифадаги санъатшуносликка доир ҳамда спортчилар ҳақидаги материاللар кўпчилигининг эътиборини тортаяпти. Истардикки, бундай мазмунли мақолалар савимили нашримиз саҳифаларида янада кўпроқ чоп этилса.

Кузатишимча, таълим соҳасидаги мақола ва очерклар кўп чоп этилмоқда. Бошқа тармоқ касба уюшмалари фаолиятини ёритиш ҳам шу даражага олиб чиқилса, кўп сонли муштарийларнинг қизиқишлари инобатга олинган бўларди.

**Авазхон Маматхонов, тармоқнинг Фарғона вилояти вакили:**

— Газетанин мазмунан бойиганлигини эътироф этиш ўринли. Шу билан бирга, юртимиздаги ислохотлар моҳиятини ёритувчи мақолалар, давра суҳбатлари беришга эътибор кучайтирилса. Журналист ҳақ кўнглидаги гапни топа олсагина,

газета ўқувчилар эътиборига тушади. Масалан, кейинги пайтларда мактабларга кўриқчи қўйилади, деган гап қўлоққа чалинмоқда. «Ота-оналар фонди» эса ҳар бир мактабда, ҳатто боғчада ҳам мавжуд. Хар икки ҳолатда ҳам гап отонанин маблагига бориб тақалмоқда. Шу каби ойдинлик киритилиши лозим бўлган масалаларга газета орқали муносабат билдирилса, яхши бўларди. Назаримда рекламага кўп ўрин берилмоқда. Топишмоқ суратлар «Ishonch»га ярашмайди.

**Қобилжон Тошболатов, тармоқнинг Марҳамат тумани вакили:**

— Тақлифим шундан иборатки, ҳар бир вилоятда амалга оширилаётган ишлар ҳамда камчиликлар ҳар ойда бир марта саҳифа орқали ёритилса. Тармоқ фаолиятидаги ижобий ишлари, шу билан бирга муаммолари ечимига тавсиялар берилса, ўрганиш ва тажриба орттириш мумкин бўларди.

Акmal TOШЕВ,  
Дилдора РАҲМОНОВА,  
«Ishonch» муҳбирлари  
Икром ҲАСАНОВ  
олган суратлар

## Сўз тадбир қатнашчиларига:



**Аъзам Исоков, тармоқнинг Самарқанд вилояти вакили:**

— Назаримда, газетада ўрта бўғиндаги касба уюшмаларининг ҳисобот кўринишидаги мақолалари кўпроқ берилмоқда. Улардаги рақам ва кўрсаткичлар ҳаммага ҳам бирдек қизиқарли эмас. Мақолада янги фикр бўлсагина, қизиқиш ортади, албатта. «Аъзолик афзалликларини асослаш» рукнидаги материاللарда мутахассисларнинг асосли фикрлари ва шарҳлари ёритилмапти. Ҳолбуки, ҳаётда мавжуд меъёрий ҳужжатлардан бири — ички меҳнат тартиб-қоидалари вакиллик органи билан келишилмаса, қонуний кучга эга бўлмайди. Шу каби йўналиш бўйича мутахассислар иштирокида ҳуқуқий ечимини кўрсатувчи мақола тайёрланса, мақбул бўлар эди. Бундай материاللари нафақат ходимлар, балки иш берувчилар ҳам иштиёқ билан ўқийшади.

**Эгамберди Қодиров, тармоқнинг Муборак туман вакили:**

— Бошланғич касба уюшма ташкилотлари ташкиллаштирилган тадбирлар ҳам газета саҳифаларида кенгрок ёритилса, деган так-

## Хонадонлар чақалоқ ингасига тўлсин

лигига риоя этиш мақсадида бизга мурожаат этиб, шифокорларимиз тавсия этаётган контрацептив воситалардан фойдаланаётгани кейинчалик соғлом фарзанд туғилишига имкон яратмоқда.

Турруқхонамизда ташкил этилган «Она ва бола» ташвиқот марказида ёш оналарга соғлом фарзанд ўстириш омилини тўғрисида тушунча берилади. Яхши самара бераётган бундай тадбирларда шифокорлар «Қалқонсимон без касаллиги», «ОИТС ва унинг зарари», «Сил бедаво эмас», «Йод танқислигига қарши кураш», «Она сун — мўъжиза» сингари мавзуларда суҳбат уюштиришади.

Маълумки, буюқ ҳаким Абу Али ибн Сино она сутини қўйишга қис-



қилган. Ер юзидаги барча тирик мавжудот ва ўсимликлар дунёсига қўйиш нури қанчалик зарур бўлса, бола саломатлиги учун ҳам она сути шунчалик катта аҳамиятга эга.

Она сути таркибида гўдақ учун зарур бўлган барча дармондори, биологик фаол моддалар ва микроэлементлар мавжуд. У ҳазми енгил, қуввати кучли, турли хил микроблардан холи, пишириш ва иситишни талаб қилмайдиган тайёр озиқ.

Она ва бола соғлиғига посбон фидойи шифокорларимиз гўдақни она сути билан боқиш ҳақида ҳар бир онага керакли маслаҳатларни беришади.

Фарзандталаб оилаларга оналик бахти ва чақалоқлар «инга»сини тўх-фа қилаётган ҳамкасбларимиз билан хар қанча фахрлансақ арзийди. Айниқса, Зулфия Бердиева, Доно Шоимова, Гулнора Алимбоёва, Юлдуз Укубова, Элмурод Ортиқов, Гулчехра Мирзаева сингари меҳридарё шифокорларимиз бошқаларга намуна бўлишапти.

Биз шифокорларининг ниёти-миз — янги йилда юртимиз тиңч, ҳаётимиз янада фаровон бўлсин. Ҳаммаки ингасининг шай-доси бўлганим учун барчаннинг оиласида шундай ёқимли, келажакка умидни кучайтирувчи садо янграб туришини истайман.

Саид МАСАИТОВ,  
Гулистон шаҳар  
турруқхонаси бош шифокори

Учрашув

Кўнгилик изҳори

Мустақиллик йилларида аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар, Президент фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эл саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда ҳукумат томонидан аҳоли саломатлиги учун барча шарт-шароитлар яратилганига қарамай, баъзи қимсаларнинг ўз соғлиғига беэътиборлиги кишини ўйлатади. Орамизда ўзини соғлом, бакуват деб ўйлаб, ҳаттоки, тиббий кўриқдан ўтишга эринадиганлар ҳам учрайди. Айнан шунинг учун тиббиёт ходимларимиз «Маҳалла» жамғармаси, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси вакиллари билан ҳамкорликда аҳоли ва ёш оналар ўртасида тушунириш ишларини кучайтирмоқдалар.

Баъзи ёш оналар исталмаган ҳомиладан сақланиш, турруқ ора-

Хисобот-сайлов олдида

# Танқидий фикр инобатга олинади

**Хисобот-сайловлар касба уюшма ташкилотлари фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг билан Республика қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилоят вакилликда «2010 йилнинг биринчи чорагида касба уюшма ташкилотларида хисобот-сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш» мавзусида семинар машғулотлари ўтказилди.**

— Хисобот-сайловларни касба уюшмаси устави ҳамда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг 2009 йил 14 августдаги қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказиш асосий вазифаларимиздан бири, — дейди Марказий кенгашнинг Тошкент вилоятдаги вакили Тоҳирхўжа Одилов. — Қолаверса, ушбу муҳим тадбир касба уюшма ташкилотлари олдида аниқ вазифалар кўйиш, ижтимоий шерикчилик тамойилларини бундан-да ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадбирда касба уюшма ташкилоти тизими хўжалик тизимига мувофиқлаштириш, хисобот-сайлов мажлислари ҳужжатлари ва баённомаларини расмийлаштириш, қатнашчилар томонидан билдирилган танқидий

фикр-мулоҳазаларни ҳаётга татбиқ қилиш борасида изчил ҳаракат лозимлиги алоҳида уқтириб ўтилди.

Унда «Охангаронцемент» корхонаси касба уюшма ташкилоти раиси Э.Толипов, Олмаликдаги «Металл қурилмалари» масъуляти чекланган жамият касба уюшма ташкилоти етакчиси А.Ким, «Бекободцемент» касба уюшмаси кўмитаси раиси А.Худоёров сўзга чиқиб, фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилиш иштирокчиларига амалий фаолиятларида қўллаш учун Вакиллик томонидан чоп этилган услубий қўлланма тарқатилди. Шунингдек, уч нафар талаба Вакилликнинг махсус стипендияси билан тақдирланди.

**Н.РАФИКОВ,**  
**«Ishonch» мухбири**

# Юксак самарадорлик камчиликларни бартараф этиш ҳисобига

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши Юқори Чирчиқ туманидаги 7-мактабда «Бошланғич ташкилотлар фаолияти мониторингини олиб бориш ва рейтингини аниқлаш тартиби» мавзусида семинар ҳамда мактабгача таълим муассасалари цех ташкилоти ва мактаб бошланғич ташкилотининг намуналий хисобот-сайлов йиғилишини ўтказди. Унда туман, шаҳар, олий ва ўрта махсус, касб-хўнара таълими бирлашган касба уюшма кўмитаси раислари, таянч ташкилотлар раислари, таълим муассасаларининг раҳбарлари қатнашди.

Иштирокчилар семинар мавзусига бағишланган кўргазма, тумандаги 7-34-мактаб ва 1-мактабгача таълим муассасаси бошланғич касба уюшма ташкилоти фаолияти билан танишдилар.

Кенгаш раиси Шўхрат Деҳқонов тармоқда олиб борилаётган ишлар ва камчиликлар хусусида тўхталиб, юксак самарадорлик камчиликларни бартараф этиш йўли билан эришилганини таъкидлаб ўтди. Вилоят кенгаши ҳуқуқшуноси Н.Асадова, туман бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси Н.Рўзमतов «Бошланғич касба уюшма ташкилотлари фаолияти мониторингини олиб бориш ва рейтингини аниқлаш тартиби» ҳамда 34-мактаб бошланғич касба уюшма ташкилоти раиси Р.Ҳабибулин «Уқув-тарбия ишлари мониторинги асосида ўқитувчилар рейтингини аниқлаш» мавзусида маъруза қилди.

Шундан сўнг, тумандаги 7-умумтаълим ва 1-мактабгача таълим муассасасида хисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбир сўнггида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг ташкилий ишлар бўлими бош мутахассиси З.Тўлаганов бошланғич ташкилотларда хисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш тўғрисида маъруза қилди. Семинар давра сўхбати билан якунланди.

**Нарзулла МАХАМОВ,**  
**«Ishonch» мухбири**

# Чилонзордаги 195-мактабда «Йил ўқитувчиси» кўриктанловининг туман босқичи бўлиб ўтди.



Унда устоз-мураббийларнинг 73 нафари 13 та фан бўйича тест ва дарс ишланмалари яратиш бўйича ўзаро куч синашди. Танлов ғолиблари туман бирлашган касба уюшма кўмитаси томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Икром ҲАСАНОВ** олган суратлар

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли Шўрчи тумани тиббиёт бирлашмаси туғруқ бўлимидаги санитария-техник ва оналарга кўрсатилаётган тиббий ёрдам тўғрисида тахририят тайёрлаган мақолани мутахассислар иштирокида ўрганиб чиқди.**

# Туғруқ комплекси таъмирланди

«Оналар ва болалар ўкинчи» сарлавхали ушбу мақолада таъкидланган айрим камчиликлар ўз тасдиғини топди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жойизки, ҳуқуқимиз томонидан йил бошидаёқ бу масалага алоҳида эътибор қаратилган эди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил бошида эълон қилинган «Шўрчи тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури» ва Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг тегишли ҳуқуқий ҳужжатига мувофиқ,

Шўрчи туман тиббиёт бирлашмасида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Туғруқ комплексида 30 млн. сўмлик таъмирлаш ишлари ўтказилиб, бўлимининг канализация қувурлари тўлиқ алмаштирилди. Иссиқ ва совуқ сув билан таъминланиб, ленолиумлар алмаштирилди, деразаларга пластик ромлар ўрнатилди. Туғруқхона ва операция хоналарида мрамар ётқизи-либ, ошхоналар чинни идиш-товок-

лар, ювувчи ва зарарсизлантирувчи воситалар билан таъминланди.

Беморларга шарт-шароитлар яратиш мақсадида, бўлимларга телевизор, стол-стул, диван ва креслолар қўйилди.

Туғруқ комплексида юқорида кўрсатиб ўтилган таъмирлаш ишларидан ташқари, иситиш тизими марказлашган қозонхонага уланди. Қозонхонада 500 минг сўмлик жорий таъмирлаш ишлари бажарилди. Туғруқхонага келадиган трубалар изоляция қилинди, куз-қиш мавсумида узлуксиз ишлаши таъминланди, операция хонасида иш шароити тубдан яхшиланди.

Туғруқ залларида «Саломатлик-2» лойиҳасига асосан электр линиялари ўтказилди.

Кеча-кундуз иситиш бўйича штаб ташкил этилиб, ҳарорат режими назоратга олиб борилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Шўрчи туман тиббиёт бирлашмасининг бошлиғи Ч.М.Сайдовга нисбатан интизомий чоралар қўрилди.

**С.РАСУЛЕВА,**  
**Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи**



# Хоразм вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг еттинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Меҳнатқашлар, айниқса, ёшларнинг маданий-маърифий савиясини ошириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш ҳамда ходимларнинг фарзандларини болалар оромгоҳларида дам олдириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Хоразм вилоятида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни жадаллик билан ҳаётга татбиқ этиш баробарида маънавий-маърифий тад-

# Давр фаолиятни такомиллаштиришни тақозо этмоқда

бирлар самарадорлигини оширишга ҳам кенг эътибор қаратилаётганлиги эътироф этилди.

— Ютуқлар ўзимизники, — деди бирлашма кенгаши раиси Раҳимберган Матрасулов. — Йўл қўйилган камчиликлардан ҳам кўз юммаслигимиз лозим. Баркамол авлод йилида бу борадаги фаолиятимизни янада такомиллаштиришимиз зарур.

Музокарада сўзга чиққан кенгаш аъзолари, айниқса, ёшларга маданий-маърифий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, маданий ҳордиқ чикаришлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш зарурлигини алоҳида таъкидлашди. Шунингдек, маданият масканлари, кутубхоналар ишини жонлантириш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш, хотин-қизлар комиссияси ва ёшлар кенгашлари ишига амалий ёрдам кўрсатиш, ёшларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида болалар оромгоҳлари йўлланмалари қийматини касба уюшма бюджетига, хўжалик ва ҳомий ташкилотлар маблағлари ҳисобига қоплаш ва бошқа зарур тадбирларни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилинди.

Шу кунги Хоразм вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раёсат йиғилиши ҳам ўтказилиб, унда «Касба уюшмалари Федерациясининг туртинчи курултойи қарорларини бажаришда савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят вакиллик ва унинг тасарруфидоги ташкилотларда иш берувчилар томонидан меҳнат қонунларига риоя қилиниши бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида», «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига 2010 йил учун обунанинг бориши ҳақидаги қатор масалалар кўриб чиқилди.

**Муҳаббат ТўРАБОВЕВА,**  
**«Ishonch» мухбири**

# Бирдамлик ва саховат қудрати

**Эл соғлиғи — юрт бойлиғи. Шу боис диёримизда фуқаролар саломатлиги давлат ҳимоясига олинган**



**Жиззах вилоят касба уюшма органларида ходимнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқини суд орқали ҳимоялаш амалиёти йил сайин кенг қўлланилаётган. Айниқса, бу борада Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси вилоят вакилликда анчагина тажриба тўплади.**

...Шаҳар Давлат солиқ инспекциясида режим ва кадрлар бўйича бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Оқил Солиев тўсатдан бегобланиб, даволалишига тўғри келди. Ажабо, унинг кўнгилни кўтариш ўрнига...

Вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи П.Умаровнинг буйруғига кўра, О.Солиев билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган. Буйруққа Жиззах шаҳар ДСИ касба

ланган тантанали маросимдаги маърузасида аҳоли саломатлигини сақлашга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Биргина қишлоқ туманларининг марказий шифохоналари 12 млн. сўмлик тиббий анжомлар, 44 та «УАЗ» санитар машинаси, 280 та «Дамас-амбуланс» билан таъминланиши айтишга осон. Тиббий лаборатория анжомлари, фуқаролар, хусусан, аёллар ва болаларни тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ҳам шулар жумласидандир.

Қизилтепа туманида бу борадаги ишларни қузатар экансиз, одамларнинг саховатига тан берасиз. Келинг, туман тиббиёт бирлашмасига қарашли сил касалликлари диспансери бош врач Исмоил Ғайбуллаевнинг фикрларини эшитайлик.

— Туманимизда марказий шифохонага қарашли 18 та бўлим

шифохонаси ҳамда 33 та қишлоқ врачлик пункти аҳоли учун тиббий хизмат кўрсатиб келади. Худудда кейинги уч йил ичида бирорта таъмирланмаган ёки реконструкция қилинмаган тиббий муассаса қолмади. 1950-йилларда хом гишдан тикланган шифохонамизнинг ночор аҳоли кўнгилни кемириб юрарди. Эскини бутлайман деб эсинг кетаркан. Бир тойдан, бир деворидан, бир иситиш тизимидан зил кетади. Бу ҳолатни туман тиббиёт бирлашмасининг собиқ бош врач Абдурахмон Носиров билан таҳлил қилиб, шифохонани қулайроқ бинога кўчириш тўғрисида раҳбарларни огоҳ қилишга келишдик.

«Ҳокимлик соати» муҳокамасига қўйилган ушбу масала ҳеч кимни беэътибор қолдирмади. Ориятли тадбиркор, фермер, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, саховатпеша эл фарзандлари бир ёқадан бош чиқариб, шифохонани хашар йўли билан қайта қуриш таклифини ёқлаб чиқишди.

Беморлар вақтинча кўчирилиб, эски бино булдозерлар кўмағида текисланди. Тумандаги гишт заводи ва ўнта хусусий пишиқ гишт цехи ёрдамга келди. Юзлаб бетон плиталар, металл конструкциялар, шағал, цемент, эшик-деразалар, шифер, тахта деганларидек, миҳдан тортиб ганж сувқуларигача уллуғини қўлуви саховатпеша кишилар топилиди. Қарийб 11 ой деганда янгидан тикланган кўп қаватли муассаса биноси ишга туширилди. Барча тиббий анжомлар, қароват, диван-кресло, кўрпа-тўшақлар ҳаммаси янгидан харид қилинди. Автоклав, хонани микробсизлантирувчи аппарат, 8 турдаги махсус физиотерапия мосламаларига ҳам эга бўлди. Шифохонада 3 та лаборатория, шинамагина ошхона, аёллар, эркеклар учун алоҳида-алоҳида дам олиш, овқатланиш хоналари ишлаб турибди. Диспансер ҳовлиси 5 гектарни ташкил этиб, атрофи девор билан ўралган.

Бино ҳовлиси обод этилиб, 350 туп олма, 100 туп ўрик экилган. Йўлаклар тортилиб, 210 туп арча, 400 туп манзарали дарахт ўтказилди.

Дарвоқе, туманнинг саҳий инсонлари кўмағида хашар йўли билан марказий шифохона қошида тез тиббий ёрдам бўлими, бош дорихона ва зарарсизлантириш бўлими бинолари ҳам янгидан қуриб, фойдаланишга топширилди.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**  
**«Ishonch» мухбири**

# Ноқонуний буйруқ суд орқали бекор қилинди

юшма кўмитаси йиғилиши баёни асос қилиб олинган.

Иш берувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100, 101, 108, 182-моддалари талаби бузилган. Яъни ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлиб, уни ишдан бўшатишда касба уюшма кўмитасининг ёзма розилиғи олинмаган, меҳнат шартномаси бекор қилинган кунни унга меҳнат

дафтарчаси ва буйруқ нусхаси берилмаган.

О.Солиев қонуний ҳақ-ҳуқуқини тиклаб беришларини сўраб вилоят тармоқ касба уюшма вакилликка мурожаат қилди. Касба уюшма органи мутахассислари масалани жойида ўрганиб, иш берувчига меҳнат қонунчилиги бузилиш ҳолатларини эслатишди ва буйруқни бекор қилиб, ҳокимиятнинг бекор қилиш ҳақида тавсиянома беришди. Афсуски, иш берувчи бунга эътибор бермай, ўзини ҳақ санади.

Шундан сўнг Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси вилоят вакиллик О.Солиев манфаатини қўлаб қўқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига даъво аризаси киритди.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантири-

либ, О.Солиев ўз ишига тикланди ва мажбурий бекор юрган кунлари учун 1 млн. 200 минг сўмлик иш ҳақи иш берувчидан ундириб берилди.

— Ходимнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатини суд орқали ҳимоялаш амалиёти кенгайиб бормоқда, — дейди тармоқ касба уюшмаси вилоят кенгаши раиси А.Каримов. — Ҳозиргача касба уюшма органлари аралашуви билан беш миллион сўмдан зиёд иш ҳақи ўз эгалларини топди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**  
**«Ishonch» мухбири**

Мажлис

«Ishonch»га жавоб берадилар

Хашар йўли билан

Касба уюшмаси аралашгач...

**Таълим ва фан ходимлари  
касаба уюшмаси  
Сурхондарё вилоят кенгаши**

*Yangi Yil  
Muborak  
Bo'sin!*



*Барча ходимлари ва барча  
юртдошларимизни Янги йил  
билан самимий қутлайди.  
Баркамол авлод йилида уларга  
сиҳат-саломатлик, ишларида  
омад тилайди!*

**Таълим ва фан ходимлари  
касаба уюшмаси  
Бухоро вилоят кенгаши**



*Барча юртдошларимизни, хусусан,  
устоз ва мураббийларни, таълим  
tizими заҳматкашларини  
Янги йил билан табриклайди.  
Баркамол авлод йилида  
сиҳат-саломатлик, бахт-саодат,  
хонадонингизга қут-барака,  
мамлакатимизнинг янада  
гуллаб-яшнаши, келажак авлод иқболи  
ҳамда халқимиз фаровонлигини  
ошириш йўлида  
улкан омадлар тилайди.  
Қалбингизни эзгу тилаклар ҳеч қачон  
тарк этмасин, азиз устозлар!*



Ўзбекистон дўппиллари

Дунё аслида бозорга ўхшайди. Тошкентдаги «Чорсу» бозорига кираркансиз, расталарда юз хилдаги хунармандчилик моллари...

қўлида сеҳри бўлади. Юзта дўппи тикадиган чевардан ўнтасининг иши маъкул. Дўппи тикишга фақат меҳнат эмас, меҳр керак дерди.

носабат ўзгарди. Бошида дўпписи бор одамларни кўрганда шубҳа уйғонадиган бўлди. «Фалончи дўппи кийиб олибди, тинчликмикан?..».

Туғма истеъдод соҳиби



«Бунёдкор» ФК академиясида тарбия олаётган 12 ёшли Шохжаҳон Хасановнинг тўп билан муомаласи кўпчиликини хайратга солади.

Жаҳон футболу юлдузи Криштиану Роналду юртимизга келганда Шохжаҳоннинг тўп билан муомала қилиш санъатини мароқ билан кузати.



Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov. Tahrir hay'ati: Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV...

Миллий ифтихор

Акс-садо

Ҳар элнинг ўз марди бўлгани яхши!

Мурожаатнинг бежавоб колмаслиги кўнгилни кўтарди, илҳомлантиради. Нарширимиз орқали чоп этилаётган дилтортар мақолаларга, эрта ё кеч бўлсин, ижобий муносабатларни элтиб келувчи хатлар сони кўпаймоқда.

«Сен ёнмасанг, мен ёнмасам» мақоласини ўқиб...

Бошлиқни қабулхонада кутиб ўтириб, котиба қиз столи устидаги газеталар орасида оҳанрабодай ўзига тортган «Ishonch»га кўзим тушди.

миз, ишлаётган ўрнимиз учун бош эгиб турсак, навбатдаги зулмга йўл очиб берамиз-ку. Ҳақиқат эгилди, букилади, аммо синмайди дейдилар.

Бу қизик! Мучал ҳисобини биласизми?

Мучал — 12 та ҳайвоннинг номи билан аталадиган даврий йил ҳисоби. Булар: сичқон, сиғир, йўлбарс, қуён, балик, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит, тўнғиздир.

Вакилларимиз учинчи

Каратэ бўйича Қозоғистонда бўлиб ўтган халқаро турнирда иштирок этган мамлакатимиз вакиллари учта олтин, ўн битта кумуш ва иккита бронза медалини кўлга киритишди.

Футбол Ёшларга омад

Жорий йилнинг 1 — 15 феврал кунлари Италиянинг Виарежжико шаҳрида ёшлар ўртасида «Корра Карневалле» анъанавий халқаро турнири бўлиб ўтади.

Бадий гимнастика Халқаро турнир якунланди

Бадий гимнастика бўйича Навоий шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусобақада Ўзбекистон ва Қозоғистондан эллик нафарга яқин спортчи баҳс олиб борди.

«ПАХТАКОР» БААга УЧИБ КЕТДИ

Мнодраг Радулович бошқарувида ўтган «Пахтакор» жамоаси БААда 14 кун давомида машғулот ўтказди.

Навоий кон-металлургия комбинати маъмурияти ва касба уюшма кўмитаси

Соҳа ходимлари ва барча ватандошларимизни 2010 йил билан чин дилдан қутлайди. Оппоқ қордек пок ниятлар ушбу йилда ўз ижобатини топсин!



Вакилларимиз учинчи

Каратэ бўйича Қозоғистонда бўлиб ўтган халқаро турнирда иштирок этган мамлакатимиз вакиллари учта олтин, ўн битта кумуш ва иккита бронза медалини кўлга киритишди.

Футбол

Жорий йилнинг 1 — 15 феврал кунлари Италиянинг Виарежжико шаҳрида ёшлар ўртасида «Корра Карневалле» анъанавий халқаро турнири бўлиб ўтади.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Table with multiple rows containing contact information, subscription rates, and organizational details for 'Ishonch' magazine.